

## ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ


Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор ислохотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

2019 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар соҳасининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 12,0 фоизга кўпайди ва 1724,7 млрд.сўмни ташкил қилди.

### Хизматлар соҳасида барча фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, фоизда

*(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)*

01.04.2019 йил ҳолатига




**2019 йил январь-март ойларида кўрсатилган хизмат турлари бўйича (амалдаги баҳоларда) қуйидагича ифодаланади:**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Жами хизматлар</b>	<b>1724,7</b>	<b>112,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	84,6	100,0	4,9
Молия хизматлари	216,4	159,9	12,6
Транспорт хизматлари	428,4	104,0	24,8
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	74,5	107,3	4,3
Савдо хизматлари	566,7	105,6	32,9
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	47,4	103,8	2,7
Таълим хизматлари	91,1	168,4	5,3
Соғлиқни сақлаш хизматлари	32,5	110,2	1,9
Ижара ва прокат хизматлари	46,0	100,8	2,7
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	38,1	103,9	2,2
Шахсий хизматлар	37,0	103,0	2,1
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	18,9	108,7	1,1
Бошқа турдаги хизматлар	43,1	100,0	2,5

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо (32,9 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (24,8 фоизи), молиявий (12,6 фоизи), таълим (5,3 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (4,9 фоизи) ва яшаш ва овқатланиш (4,3 фоизи) хизматларга тўғри келди.


Таълим хизматлари (68,4 фоизга кўп), молия хизматлари, банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматларини ўз ичига олган ҳолда (ўтган йилга нисбатан 59,9 фоизга кўп), соғлиқни сақлаш хизматлари (10,2 фоизга кўп), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (8,7 фоизга кўп), яшаш ва овқатланиш хизматларида (7,3 фоизга кўп) ўсиш юқори бўлди.

### 2019 йил январь-мартда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари



Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида катта улушга эга бўлган Бухоро шаҳри (58,9 фоиз), Ғиждувон тумани (10,6 фоиз), Бухоро тумани (3,7 фоиз), Когон шаҳри (3,6 фоиз)ни ташкил этган бўлса, Пешку (2,4 фоиз), Қоровулбозор (1,9 фоиз) ва Когон туманлари (1,8 фоиз) улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**2019 йил январь-март ойларида кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида шаҳар ва туманларнинг улуши, фоизда**




- |                |            |           |           |
|----------------|------------|-----------|-----------|
| ■ Бухоро ш.    | ■ Когон ш. | ■ Олот    | ■ Бухоро  |
| ■ Вобкент      | ■ Ғиждувон | ■ Когон   | ■ Қоракўл |
| ■ Қоровулбозор | ■ Пешкў    | ■ Ромитан | ■ Жондор  |
| ■ Шофиркон     |            |           |           |

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар**  
(*туман ва шаҳарлар кесимида*)

	<i>Жами</i>		<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь-мартга нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>минг сўм</i>	<i>2018 йил январь-мартга нисбатан, % ҳисобида</i>
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>1724,7</b>	<b>112,0</b>	<b>909,0</b>	<b>110,3</b>
Бухоро ш.	1015,8	114,0	3651,2	113,3
Когон ш.	62,0	105,6	1021,1	104,7
<i>туманлар</i>				
Олот	42,3	106,7	433,4	104,7
Бухоро	63,1	108,6	386,1	106,5
Вобкент	57,6	110,7	419,7	108,7
Ғиждувон	183,1	108,9	611,9	107,2
Когон	31,0	110,0	405,9	107,4
Қоракўл	50,8	106,5	314,6	104,6
Қоровулбозор	32,9	125,9	1819,3	123,8
Пешкў	41,1	110,3	341,2	108,2
Ромитан	56,5	108,8	407,3	107,0
Жондор	45,5	110,9	265,6	108,7
Шофиркон	43,0	108,3	246,4	106,7

## 2019 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига ҳажмлар, минг сўм



## 2019 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига ўсиш суръати, %

